

Ўзбекистон Республикаси  
Интеллектуал мулк агентлиги



# РАСМИЙ АХБОРОТНОМА

1993 йилдан бошлаб нашр этилади

- Ихтиролар
- Фойдали моделлар
- Саноат намуналари
- Товар белгилари
- Товар келиб чиққан жой номлари
- ЭХМ учун дастурлар
- Маълумотлар базалари
- Интеграл микросхемалар топологиялари
- Селекция ютуқлари

(43) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга ва селекция ютуқларига талабномалар тўғрисидаги маълумотлар **2012 йил 31 декабрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(45) Ушбу ахборотномага киритилган саноат намуналарига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2012 йил 31 декабрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(450) Ушбу ахборотномага киритилган товар белгиларига гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотлар **2012 йил 31 декабрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(46) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга, фойдали моделларга, селекция ютуқларига, ЭХМ учун дастурларга, маълумотлар базаларига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2012 йил 31 декабрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

Тошкент  
2012 йил

# 12(140)

(19) UZ



Агентство по интеллектуальной  
собственности Республики Узбекистан

## ОФИЦИАЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

Издается с 1993 года

- Изобретения
- Полезные модели
- Промышленные образцы
- Товарные знаки
- Наименования мест происхождения товаров
- Программы для ЭВМ
- Базы данных
- Топологии интегральных микросхем
- Селекционные достижения

(43) Сведения о заявках на изобретения и селекционные достижения, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 декабря 2012 года**

(45) Сведения об охраняемых документах на промышленные образцы, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 декабря 2012 года**

(450) Сведения о свидетельствах на товарные знаки, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 декабря 2012 года**

(46) Сведения об охраняемых документах на изобретения, полезные модели, селекционные достижения, программы для ЭВМ, базы данных, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **31 декабря 2012 года**

Ташкент  
2012 год

**12(140)**

## МУНДАРИЖА

<b>I</b>	<b>ИХТИРОЛАР</b>	
	Ихтиролар ва фойдали моделларга оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.9 стандарти) .....	5
	Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	<b>1.1. BZ1A</b> Ихтироларга талабномалар	
	A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини кондиритиш .....	6
	B. Турли технологик жараёнлар .....	13
	C. Кимё ва металлургия .....	15
	D. Тўқимачилик ва қоғоз .....	25
	E. Қурилиш; кончилик иши .....	28
	F. Механика; ёритиш; иситиш; двигателлар ва насослар; портлатиш ишлари .....	29
	G. Физика .....	34
	<b>1.5. BZ1A</b> Ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи	
	1.1-бўлим учун ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи .....	36
	Ихтиролар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ихтиролар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	<b>1.2. FG4A</b> Ихтироларга патентлар	
	A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини кондиритиш .....	38
	B. Турли технологик жараёнлар .....	44
	C. Кимё ва металлургия .....	49
	D. Тўқимачилик ва қоғоз .....	63
	E. Қурилиш; кончилик иши .....	64
	F. Механика; ёритиш; иситиш; двигателлар ва насослар; портлатиш ишлари .....	68
	<b>1.5. FG4A</b> 1.2-бўлим учун ихтироларга патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари .....	70
	1.2-бўлим учун ихтиролар муаллифларининг ном кўрсаткичи .....	71
<b>II</b>	<b>Фойдали моделлар</b>	
	Фойдали моделлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	<b>2.1. FG4K</b> Фойдали моделларга патентлар	
	A. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини кондиритиш .....	75
	D. Тўқимачилик ва қоғоз .....	77
	F. Механика; ёритиш; иситиш; двигателлар ва насослар; портлатиш ишлари .....	78
	G. Физика .....	79
	<b>2.2. FG4K</b> Фойдали моделларга патентларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари .....	80
	Фойдали моделлар муаллифларининг ном кўрсаткичи .....	81
<b>III</b>	<b>САНОАТ НАМУНАЛАРИ</b>	
	Саноат намуналарига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.80 стандарти) .....	83
	Саноат намуналари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган саноат намуналари ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	<b>3.1. FG4L</b> Саноат намуналарига патентлар .....	84
	<b>3.2. FG4L</b> Саноат намуналарига патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари .....	91
<b>IV</b>	<b>ТОВАР БЕЛГИЛАРИ</b>	
	Товар белгиларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.60 стандарти) .....	92
	<b>4.1. FG4W</b> Товар белгилари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ҳақида маълумотларни нашр қилиш .....	93
	<b>4.2. FG4W</b> Товар белгиларига гувоҳномалар ва талабномалар бўйича тизимли ва рақамли кўрсаткичлар .....	151
<b>VI</b>	<b>ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР</b>	
	ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун кодлар .....	155
	<b>6.1.</b> ЭҲМ учун дастурлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш .....	156
	<b>6.2.</b> ЭҲМ учун дастурларга талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи .....	171
<b>IX</b>	<b>СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ</b>	
	Селекция ютуқларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун кодлар .....	172
	<b>9.1. AA1E</b> Қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш .....	173
	<b>9.2.</b> Селекция ютуқларининг номлари ҳақида маълумотларни нашр қилиш .....	174
	<b>9.4. AA1E</b> Селекция ютуқларига тизимли ва рақамли кўрсаткичлар .....	175
<b>X</b>	<b>ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА ҲУҚУҚНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР</b>	
	<b>10.1. QB4A\4K\4W</b> Лицензия шартномалари .....	176
	<b>10.2. PC4W</b> Ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари .....	178
<b>XII</b>	<b>ҲАБАРЛАР</b>	
	<b>MB4W</b> Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишини Апелляция кенгашининг қарорига биноан муддатидан илгари тўхтатиш .....	181
	<b>ND4A</b> Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патентининг амал қилиш муддатини тиклаш ва узайтириш .....	181
	<b>ND4K</b> Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентининг амал қилиш муддатини тиклаш ва узайтириш .....	181
	<b>ND4K</b> Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентининг амал қилиш муддатини ва узайтириш .....	182
	<b>ND4L</b> Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентининг амал қилиш муддатини узайтириш .....	182
	<b>ND4L</b> Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентининг амал қилиш муддатини тиклаш ва узайтириш .....	182
	<b>ND4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш .....	183
	<b>PD4K</b> Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патент эгасининг номини ўзгартириш .....	183
	<b>PD4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг номини ўзгартириш .....	184
	<b>TE4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг манзилини ўзгартириш .....	185
	<b>TG4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгиларига берилган гувоҳномаларидаги товарлар ва хизматлар рўйхатига ўзгартириш киритиш .....	186
<b>XIV</b>	<b>РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ТОВАР БЕЛГИЛАРИ РАНГИЛИ ТАСВИРЛАРИНИНГ ИФОДАСИ</b> .....	187

## СОДЕРЖАНИЕ

<b>I</b>	<b>ИЗОБРЕТЕНИЯ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к изобретениям и полезным моделям (Стандарт ВОИС ST.9) .....	5
	Публикация сведений о принятых заявках на изобретения	
	<b>1.1. BZ1A</b> Заявки на изобретения	
	А. Удовлетворение жизненных потребностей человека .....	6
	В. Различные технологические процессы .....	13
	С. Химия и металлургия .....	15
	Д. Текстиль и бумага .....	25
	Е. Строительство; горное дело .....	28
	Ф. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы .....	29
	Г. Физика .....	34
	<b>1.5. BZ1A</b> Систематический указатель заявок на изобретения	
	Систематический указатель заявок на изобретения к подразделу 1.1 .....	36
	Публикация сведений об изобретениях, зарегистрированных в Государственном реестре изобретений	
	<b>1.2. FG4A</b> Патенты на изобретения	
	А. Удовлетворение жизненных потребностей человека .....	38
	В. Различные технологические процессы .....	44
	С. Химия и металлургия .....	49
	Д. Текстиль и бумага .....	63
	Е. Строительство; горное дело .....	64
	Ф. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы .....	68
	<b>1.5. FG4A</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на изобретения к подразделу 1.2 .....	80
	Именной указатель авторов изобретений к подразделу 1.2 .....	81
<b>II</b>	<b>ПОЛЕЗНЫЕ МОДЕЛИ</b>	
	Публикация сведений о полезных моделях, зарегистрированных в Государственном реестре полезных моделей	
	<b>2.1. FG4K</b> Патенты на полезные модели	
	А. Удовлетворение жизненных потребностей человека .....	75
	Д. Текстиль и бумага .....	77
	Ф. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы .....	78
	Г. Физика .....	79
	<b>2.2. FG4K</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на полезные модели .....	64
	Именной указатель авторов полезных моделей .....	65
<b>III</b>	<b>ПРОМЫШЛЕННЫЕ ОБРАЗЦЫ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к промышленным образцам (Стандарт ВОИС ST.80) .....	83
	Публикация сведений о промышленных образцах, зарегистрированных в Государственном реестре промышленных образцов	
	<b>3.1. FG4L</b> Патенты на промышленные образцы .....	84
	<b>3.2. FG4L</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на промышленные образцы .....	91
<b>IV</b>	<b>ТОВАРНЫЕ ЗНАКИ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к товарным знакам (Стандарт ВОИС ST.60) .....	92
	<b>4.1. FG4W</b> Публикация сведений о товарных знаках, зарегистрированных в Государственном реестре товарных знаков .....	93
	<b>4.2. FG4W</b> Систематический и нумерационный указатели свидетельств и заявок на товарные знаки .....	151
<b>VI</b>	<b>ПРОГРАММЫ ДЛЯ ЭВМ</b>	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к программам для ЭВМ и базам данных .....	155
	<b>6.1.</b> Публикация сведений о программах для ЭВМ, зарегистрированных в Государственном реестре программ для ЭВМ .....	156
	<b>6.2.</b> Нумерационный указатель заявок на программы для ЭВМ .....	171
<b>IX</b>	<b>СЕЛЕКЦИОННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ</b>	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к селекционным достижениям .....	172
	<b>9.1. AA1E</b> Публикация сведений о принятых заявках .....	173
	<b>9.2</b> Публикация сведений о названиях селекционных достижений .....	174
	<b>9.4. AA1E</b> Систематический и нумерационный указатели на селекционные достижения .....	175
<b>X</b>	<b>ДОГОВОРЫ О ПЕРЕДАЧЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ</b>	
	<b>10.1. QB4A/4K/4W</b> Лицензионные договоры .....	176
	<b>10.2. PC4W</b> Договоры о передаче прав .....	178
<b>XII</b>	<b>ИЗВЕЩЕНИЯ</b>	
	<b>MB4W</b> Досрочное прекращение действия свидетельства на товарный знак по решению Апелляционного совета .....	181
	<b>ND4A</b> Восстановление и продление срока действия патента Республики Узбекистан на изобретение .....	181
	<b>ND4K</b> Восстановление и продление срока действия патента Республики Узбекистан на полезную модель .....	181
	<b>ND4K</b> Продление срока действия патента Республики Узбекистан на полезную модель .....	182
	<b>ND4L</b> Восстановление и продление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец .....	182
	<b>ND4L</b> Продление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец .....	182
	<b>ND4W</b> Продление срока действия свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак .....	183
	<b>PD4K</b> Изменение наименования владельца свидетельства Республики Узбекистан на полезную модель .....	183
	<b>PD4W</b> Изменение наименования владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак .....	184
	<b>TE4W</b> Изменение адреса владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак .....	185
	<b>TG4W</b> Внесение изменений в перечень товаров и услуг в свидетельства Республики Узбекистан на товарные знаки .....	186
<b>XIV</b>	<b>ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ ЦВЕТНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ</b> .....	187

**ИХТИРОЛАР ВА ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАРГА ОИД БИБЛИОГРАФИЯ  
МАЪЛУМОТЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ УЧУН  
ХАЛҚАРО КОДЛАР  
(БИМТ ST.9 стандарти)**

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОДЫ ДЛЯ ИДЕНТИФИКАЦИИ БИБЛИОГРА-  
ФИЧЕСКИХ ДАННЫХ, ОТНОСЯЩИХСЯ  
К ИЗОБРЕТЕНИЯМ И ПОЛЕЗНЫМ МОДЕЛЯМ  
(Стандарт ВОИС ST.9)**

- |  |   |
|--|---|
| <b>(11)</b> - патент рақами  | <b>(11)</b> - номер патента   |
| <b>(13)</b> - ҳужжат турининг коди   | <b>(13)</b> - код вида документа  |
| <b>(21)</b> - талабномани рўйхатдан ўтказиш рақами   | <b>(21)</b> - регистрационный номер заявки  |
| <b>(22)</b> - талабномани топшириш санаси  | <b>(22)</b> - дата подачи заявки  |
| <b>(23)</b> - бошқа сана(лар), жумладан бирмунча олдин топширилган талабномага қўшимча материаллар келиб тушган сана   | <b>(23)</b> - прочая(ие) дата(ы), включая дату поступления дополнительных материалов к более ранней заявке  |
| <b>(31)</b> - устуворлик талабномасининг рақами  | <b>(31)</b> - номер приоритетной заявки   |
| <b>(32)</b> - устуворлик талабномасининг топширилиш санаси   | <b>(32)</b> - дата подачи приоритетной заявки   |
| <b>(33)</b> - устуворлик мамлакатининг коди  | <b>(33)</b> - код страны приоритета   |
| <b>(46)</b> - муҳофаза ҳужжатининг чоп этилиш санаси   | <b>(46)</b> - дата публикации охранного документа   |
| <b>(51)</b> - Халқаро патент классификациясининг (ХПК) индекси(лари)   | <b>(51)</b> - индекс(ы) Международной патентной классификации (МПК)   |
| <b>(54)</b> - ихтиро номи  | <b>(54)</b> - название изобретения  |
| <b>(57)</b> - ихтиро ёки фойдали моделнинг реферати, формуласи   | <b>(57)</b> - реферат, формула изобретения или полезной модели  |
| <b>(60)</b> - бошқа ҳуқуқий ёки процедура бўйича боғлиқ миллий ёки собиқ миллий патент ҳужжатларига ҳаволалар  | <b>(60)</b> - ссылки на другие юридически или процедурно связанные отечественные или бывшие отечественные патентные документы   |
| <b>(63)</b> - ўзининг давоми бўлган ушбу ҳужжатга нисбатан бирмунча олдин топширилган талабноманинг рақами ва санаси   | <b>(63)</b> - номер и дата подачи более ранней заявки, по отношению к которой настоящий документ является продолжением  |
| <b>(65)</b> - ушбу талабномага тегишли илгари нашр қилинган патент ҳужжатининг рақами  | <b>(65)</b> - номер ранее опубликованного патентного документа, касающегося данной заявки   |
| <b>(71)</b> - талабнома берувчининг номи, мамлакат коди  | <b>(71)</b> - имя заявителя, код страны   |
| <b>(72)</b> - муаллифнинг номи, мамлакат коди  | <b>(72)</b> - имя автора, код страны  |
| <b>(73)</b> - патент эгасининг номи  | <b>(73)</b> - имя патентообладателя   |
| <b>(85)</b> - РСТнинг 23(1)- ёки 40(1) - моддасига мувофиқ халқаро талабноманинг миллий босқичга ўтиш санаси   | <b>(85)</b> - дата перехода международной заявки на национальную фазу в соответствии со ст.23(1) или 40(1) РСТ  |
| <b>(86)</b> - РСТ халқаро талабномасининг талаб қилинувчи маълумотлари, яъни талабнома топширилган сана, талабноманинг рўйхатга олиш рақами ва факультатив равишда нашр қилинган талабнома дастлабки топширилгандаги тил | <b>(86)</b> - заявочные данные международной заявки РСТ, т.е. дата подачи заявки, регистрационный номер заявки и факультативно язык, на котором была первоначально подана опубликованная заявка |
| <b>(87)</b> - РСТ халқаро талабномасининг нашр қилинишига оид маълумотлар, яъни талабноманинг нашр қилинган санаси, нашр рақами ва факультатив равишда талабнома нашр қилинган тил                                       | <b>(87)</b> - данные относительно публикации международной заявки РСТ, т.е. дата публикации, номер публикации и факультативно язык публикации заявки  |

## I. ИХТИРОЛАР ИЗОБРЕТЕНИЯ

### Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш

#### Публикация сведений о принятых заявках на изобретения

#### 1.1. BZ1A

#### ИХТИРОЛАРГА ТАЛАБНОМАЛАР ЗАЯВКИ НА ИЗОБРЕТЕНИЯ

**А бўлим**  
**ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ**  
**ҚОНДИРИШ**

**Раздел А**  
**УДОВЛЕТВОРЕНИЕ ЖИЗНЕННЫХ**  
**ПОТРЕБНОСТЕЙ ЧЕЛОВЕКА**

**А 01**

**(13) В**

**(21)** IAP 2012 0461 **(22)** 14.11.2012

**(51)** 8 A 01 C 5/00

**(71)** Исхаков Шерзодбек Шахобидинович, UZ  
**(72)** Исхаков Шерзодбек Шахобидинович, UZ;  
Халиков Хашимбек, Рогова Фатима Хашим-  
бековна, RU; Ибрагимов Пулат Жонтемирович,  
UZ

**(54)** Плёнка остида ғўза етиштириш усули  
**Способ возделывания хлопчатника под плен-**  
**кой**

**Фойдаланиш соҳаси:** кишлоқ хўжалиги, ғўза экиш, пушталар орасига ўғит солиш, плёнкани ётқишиш ва йиғиштириб олиш. **Вазифаси:** плёнканинг сурилиб кетишини олдини олиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш ва ғўзанинг етилишини тезлаштириш, парник эффектини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** усул плёнкани ёзиш, плёнкада қилинган тешиклардан уруғларни экиш ва плёнкадаги тешикларга мульчаларни ётқишишдан иборат, 1 мульчалаш учун бункер, 2 мульчалаш учун дозатор, 3 дозатор ричаги, 4 сеялка корпуси. Қўлда теришга мўлжалланган ҳосилни экишда ғўза кўшалок қаторлар бўйлаб 60×30 схемаси бўйича, уялар орасида 12 см масофа қолдириб экилади. Пахта ҳосилини машинада териш учун уруғ бир қаторда қаторлар орасида 90 см масофа қолдириб, уялар орасида эса 12 см масофа қолдириб экилади.

**Использование:** сельское хозяйство, посев хлопчатника, укладка удобрения между грядками, укладка и уборка пленки. **Задача:** повышение урожайности и ускорение созревания хлопчатника за счет предотвращения смещения пленки, создание парникового эффекта. **Сущность изобретения:** способ включает расстилку пленки, посев семян через отверстия, проделываемые в пленке, и мульчирование отверстий в пленке, 1 бункер для мульчирования, 2 дозатор для мульчирования, 3 рычаг дозатора, 4 корпус сеялки. В помощь спецустройства для ручной уборки урожая проводят посев с удвоенными рядами (двухстрочные) по схеме 60×30 с расстоянием между гнездами 12 см. Для машинной уборки урожая хлопка посев семян проводят однострочным способом с расстоянием между рядами 90 см и расстоянием между гнездами 15 см.

**А 47**

**(13) В**

**(21)** IAP 2011 0260 **(22)** 29.10.2009

**(31)(32)(33)** BE 2008/0677, 17.12.2008, BE;

61/175,596, 05.05.2009, US;

20 2009 008 825.1, 26.06.2009, DE

**(51)** 8 A 47 B 47/04, A 47 B 96/20, F 16 B12/26, B 32 B 21/00

**(71)** ЮНИЛИН, БВБА, BE

**(72)** МАРТЕН, Люк; КАППЕЛЬ, Марк; ВАН-СТЕЛЬ, Люк; ДЕМАН Люк; ВАН ХОЙДОНК, Ги, BE

**(85)** 22.06.2011

**(86)** PCT/IB 2009/054812, 29.10.2009

**(87)** WO2010/070472, 24.06.2010

**(54)** Таркибий элемент, кўп қатламли доска ва шундай таркибий элементни яратиш учун панель шаклидаги элемент

**Составной элемент, многослойная доска и элемент в виде панели для образования такого составного элемента**

**Фойдаланиш соҳаси:** ёғоч конструкцияларнинг бириктирувчи элементида. **Вазифаси:** сифати яхшиланган янги бириктирувчи элементларни кидириш. **Ихтиро моҳияти:** панель кўринишидаги камида иккита элементдан таркиб топган, бу элементларнинг ҳар биттаси милк зонасига эга бўлган, милк зонаси унинг бўйлама йўналишида ўтган шаклдор қисм кўринишидаги бириктирувчи воситаларга эга бўлган, ҳамда бўйлама йўналишдаги ён (энсиз) юзага эга бўлган, бунинг устига шаклдор қисмлар элементларнинг панель шаклида бирикуви имконияти билан бажарилган таркибий қисмлар таклиф этилган бўлиб, улар куйидаги кўринишга эга: шаклдор қисм кўздан камида қисман яширинган бўлади; шаклдор қисм қопловчи материалдан қилинган полосадан узлуксиз ўтади; таркибий элемент уни кўздан яширадиган олд панелга эга бўлади; таркибий элемент шаклдор қисмлар кўринишидаги бириктирувчи воситалар билан таъминланган; таркибий элемент бириккан ҳолатдаги шип ва ариқчанинг ажралиб кетишига йўл қўймайдиган кулфлаш элементига эга; шаклдор қисмлар барча элементларнинг бир бири билан кўндаланг йўналишда бирикуви имкониятини таъминлайдиган қилиб бажарилган; кулфлаш элементи элементлардан бирининг милкига ўрнатиладиган деталь кўринишида бажарилган; шаклдор қисмлар ўзаро боғланадиган қилиб бажарилган; шаклдор қисм элементларни бир бири билан бевосита ёки қўшимча воситалар ёрдамида панель кўринишига келтириб бириктириш имкониятини ва ўзаро боғланишини таъминлайди. Шунингдек яна куйидагилар таклиф этилган: камида икки хил материалдан таркиб топган кўп қатламли доска, бунда биринчи қатлам материали иккинчи қатлам материалга караганда анча юпқа структурага эга; панель кўринишидаги элемент билан биргаликда таркибли элемент ҳосил қилиш учун тўғри келадиган панель кўринишидаги элемент; камида икки хил материалдан таркиб топган кўп қатламли доска, бунда биринчи қатлам прессланган ёғоч композитдан ҳосил қилинган, иккинчи қатлам эса вазни камроқ, хусусан, енгил вазнли прессланган композит материалдан таркиб топган; ўзининг йўғонроқ қисмида прессланган ёғоч композитдан таркиб топган доска; ўзининг йўғонроқ қисмида прессланган ёғоч композитдан таркиб топган доска, бунда прессланган ёғоч композит боғловчи агент билан маҳкамланган ёғоч компонентларга эга, бунинг устига доска эластомер, термопластмасса, полиуретан ёки полиуретан асосида яратилган маҳсулот қатлами билан таъминланган; доскадан ҳосил қилинган пол панели, бунда доска пол па-

нелининг устки томонини ҳосил қилувчи устки қатлам билан қопланган.

**Использование:** в соединительных элементах деревянных конструкций. **Задача:** поиск новых соединительных элементов улучшенного качества. **Сущность изобретения:** предложены следующие составные элементы, содержащие по меньшей мере два элемента в виде панели, каждый из которых имеет кромочную зону, в которой имеются соединительные средства в виде фасонной части, проходящей в продольном направлении кромочной зоны, и торцевую поверхность в поперечном направлении, причем фасонные части выполнены с возможностью соединения элементов в виде панели: такой, где, по меньшей мере, частично скрывается из виду фасонная часть; такой, где фасонная часть проходит непрерывно через полосу из покрывающего материала; такой, где составной элемент содержит переднюю панель, которая скрывает его из виду; такой, где составной элемент снабжен соединительными средствами в виде фасонных частей; такой, где составной элемент содержит запирающие элементы, предотвращающие в соединенном состоянии расхождение шипа и канавки; такой, где фасонные части выполнены с обеспечением возможности соединения всех элементов друг с другом в поперечном направлении; такой, где запирающий элемент выполнен в виде вставляемой детали в кромке одного из элементов; такой, где фасонные части выполнены с обеспечением взаимного сцепления; такой, где фасонная часть обеспечивает возможность соединения элементов в виде панели друг с другом непосредственно или с помощью вспомогательных средств с обеспечением взаимного сцепления. Также предложены: многослойная доска, содержащая, по меньшей мере, два структурных слоя материала, где материал первого слоя имеет более тонкую структуру, чем материал второго слоя; элемент в виде панели, подходящий для образования совместно с элементом в виде панели составного элемента; доска, имеющая, по меньшей мере, два структурных слоя материала, первый из которых образован прессованным древесным композитом, а второй содержит прессованный композитный материал меньшего веса, в частности, легковесный; доска, которая в большей части своей толщины содержит прессованный древесный композит; доска, которая в большей части своей толщины составлена из прессованного древесного композита, содержащего древесные компоненты, скреплен-

ные связующим агентом, причем доска снабжена слоем эластомера, термопластмассы, полиуретана или продукта на основе полиуретана; половая панель, образованная из доски, на которой расположен верхний слой, представляющий собой верхнюю сторону половой панели.

A 61

(13) B

(21) IAP 2011 0141

(22) 06.04.2011

(51) 8 A 61 B 5/00

(71)(72) Бахтияров Евгений Рауфович, UZ

**(54) Биологик тизимларни ташкил қилишнинг барча босқичларида (тизим, аъзо, тўқима, ҳужайра, ген) уларнинг фаолиятини бошқаришни таъминловчи юрак ритми кодини очиш усули**

**Способ расшифровки кода ритма сердца, обеспечивающего управление функционированием биологических систем на всех уровнях организации (система, орган, ткань, клетка, ген)**

**Фойдаланиш соҳаси:** диагностика ва хусусан инсон организмида аминокислоталарнинг микдорий таркибига тегишли. **Вазифаси:** инсон организмнинг ҳолати ҳақида, масалан, организмдаги аминокислоталар таркиби ҳақида кенг маълумотларни олиш имконини берадиган юрак ритми кодини очиш усулини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** юрак иши параметрларини қайд этиш ва кейин олинган маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олган юрак ритми кодини очиш усулида юрак мускулининг ишлаш параметрларини қайд қилиш учун ЭКГ сигнали олинади, бундан олдин эса RR интерваллари ажратиб олинади, бунда ЭКГ сигнали 0,5-5,0 минут давомида қайд қилинади, шундан кейин RR интерваллари ўлчанади, кейин эса юрак ритми кодини олиш учун юрак ритми кетма-кет жуфт-жуфт кодланади ва катта қийматга 1 рақами, кичик қийматга эса 0 қўйилади, ҳосил бўлган кетма-кетлик сонлар кетма-кетлиги кўринишида ёзилади, шундан кейин пиримидинли асослар учун “0” рақами, пуринли асослар учун эса тегишли “1” рақами берилади ва, ниҳоят, маълум аминокислоталар учун аввалдан яратилган калит асосида код очилади, кейин аминокислоталар синтезининг микдорий диаграммаси тузилади.

**Использование:** относится к диагностике и в частности к определению количественного состава аминокислот в организме человека. **Задача:** соз-

дание способа расшифровки кода ритма сердца который позволял бы получить расширенный спектр данных о состоянии организма человека, например о составе аминокислот в организме.

**Сущность изобретения:** в способе расшифровки кода ритма сердца, содержащем регистрацию параметров работы сердца и последующий анализ полученных данных согласно изобретению, регистрацию параметров работы сердца мышцы осуществляют снятием ЭКГ сигнала с выделением RR интервалов, причем регистрацию ЭКГ сигнала проводят в течении 0,5-5,0 минут, после чего измеряют RR интервалы, а затем для получения кода ритма сердца кодируют их сравнивая последовательно парами и присваивая большему значению цифру 1, а меньшему значению 0, полученную последовательность записывают в виде числовой последовательности, после чего принимают для пиримидиновых оснований цифру «0», а для пуриновых, соответственно «1», и расшифровывают на основании предварительно созданного ключа для известных аминокислот, затем строят количественную диаграмму синтеза аминокислот.

(13) B

(21) IAP 2011 0266

(22) 27.06.2011

(51) 8 A 61 B 5/02, G 01 N 33/48

(71)(72) Расулова Хуршидахон Абдубориевна, UZ

**(54) Ишемик инсультнинг патогенетик турларини дифференциал ташхислаш усули**  
**Способ дифференциальной диагностики патогенетических подтипов ишемического инсульта**

**Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, аниқроғи неврология, ишемик инсультнинг атеротромботик, лакунар ва кардиоэмболик турларини дифференциал ташхислашга тегишли ва неврология, ангионеврология, реанимация ва терапия бўлимларида қўлланиши мумкин. **Вазифаси:** ишемик инсультнинг патогномоник белгиларидан қўшимча фойдаланиш йўли билан ишемик инсульт турларини дифференциал ташхислаш аниқлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** клиник ва параклиник тадқиқотларни ўз ичига олган ишемик инсультнинг патогенетик турларини дифференциал ташхислаш усулининг янгилиги шундаки, қўшимча равишда эндотелиал дисфункция маркерлари (азот оксиди, ацетилхолинэстераза даражалари), юрак фаолиятини ўрганиш, хавфхатар омиллари ҳисобга олинади ва баллар жамланади, ҳамда баллар суммасининг энг юқори



қиймати бўйича ишемик инсультнинг атеротромботик, лакунар, кардиоэмболик турларидан қайси бири намоён бўлаётгани ташхисланади.

**Использование:** медицина, а именно неврология и касается дифференциальной диагностики атеротромботического, лакунарного и кардиоэмболического подтипов ишемического инсульта, и может быть использовано в неврологических, ангионеврологических, реанимационных и терапевтических отделениях. **Задача:** повышение точности дифференциальной диагностики подтипов ишемического инсульта путем дополнительного использования патогномоничных признаков ишемического инсульта. **Сущность изобретения:** новым в способе дифференциальной диагностики патогенетических подтипов ишемического инсульта, включающем клинические и параклинические исследования, является то, что дополнительно учитывают маркеры эндотелиальной дисфункции (уровни оксида азота, ацетилхолинэстеразы), исследования сердечной деятельности, факторы риска с последующим суммированием баллов, и по наибольшему значению суммы баллов диагностируют атеротромботический или лакунарный или кардиоэмболический подтип.

(13) В

(21) IAP 2011 0240

(22) 09.06.2011

(51) 8 A 61 B 8/00

(71) Урганч давлат университети, UZ

Ургенчский государственный университет, UZ

(72) Наврузов Куралбай, Камалов Низамиддин, UZ

(54) Юрак чап қоринчаси бўшлиғининг ҳажмини ҳисоблаш усули

Способ определения объема полости левого желудочка сердца

**Фойдаланиш соҳаси:** тиббиётда, хусусан эхокардиография маълумотлари бўйича юрак чап қоринчаси бўшлиғининг ҳажмини янада аниқроқ ҳисоблашга тегишли бўлиб, юрак қоринчаларига қон тўлиши ва улардан қон чиқарилишини ҳисоблаш бўйича ишончли характеристикаларга эга бўлиш учун қўлланиши мумкин. **Вазифаси:** эхокардиография маълумотлари бўйича юрак чап қоринчаси бўшлиғининг ҳажмини аниқлаш учун янада ишончлироқ усулни таклиф этиш. **Ихтиро моҳияти:** митрал клапанлар сатҳидан сал пастроқдан туриб қисқа ўқ бўйича ультратовуш датчигининг парастернал позициясида чап қоринча бўшлиғининг майдони, узунлиги

аниқланади. Кейин ультратовуш датчиги апикал тарзда тўртта камерадан фойдаланиш имконияти билан ўрнатилади. Тасвир қайд этилади. Текширилаётган бўшлиқ узун ўқ бўйлаб бир текисда  $n$  кесимларга бўлиб чиқилади ва ўртадаги нуқтада қоринчалараро тўсикқа перпендикуляр тарзда параллель чизиклар ўтказилади. Узун ва қисқа ўқ бўйича қоринча ўлчамлари ҳамда юракча бўшлиғининг ички контурида кўрсатиб ўтилган чизикларнинг кесишган нуқталари орасида жойлашган ҳар бир кесимнинг узунлиги аниқланади. Чап қоринча бўшлиғининг ҳажми, ўхшаш ясси геометрик шакллар қоидасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар битта кесимнинг тегишли узунлигининг ҳажмини ҳисоблашга асосланган қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$V_{ЛЖ} = \frac{S_0 h}{d_0^2 n} \times (d_1^2 + d_2^2 + \dots + d_n^2).$$

Бу ерда  $d_n$  –  $n$ -инчи кесимнинг ўртадаги нуқтасидан қоринчалараро тўсикқа перпендикуляр тарзда ўтказилган қисқа ўқ бўйича ўлчам;  $h$  – узун ўқ бўйлаб қоринча ўлчами;  $d_0$  – қисқа ўқ бўйлаб парастернал кириш имкониятида бўшлиқнинг қайд этилган ўлчами;  $S_0$  – қисқа ўқ бўйлаб парастернал кириш имкониятида бўшлиқнинг қайд этилган майдони. Усул юрак қоринчасининг нормал ва патологик ҳолатини ишончли таҳлил қилиш ва бу билан унинг ҳар хил турдаги гипертрофияларини ташхислаш имконини беради.

**Использование:** в медицине, в частности, относится к более точному измерению объема полости левого желудочка сердца по данным эхокардиографии, и может быть использовано для получения надежных характеристик кровенаполнения и вычисления выброса крови из желудочков сердца. **Задача:** предложить более надежный способ для определения объема полости левого желудочка сердца по данным эхокардиографии. **Сущность изобретения:** определяют площадь, длину полости левого желудочка в парастеральной позиции ультразвукового датчика по короткой оси чуть ниже уровня митральных клапанов. Затем ультразвуковой датчик устанавливают апикально с четырехкамерным доступом. Изображение фиксируют. Исследуемую полость равномерно разбивают по длинной оси на отрезок и в его средней точке проводятся параллельные линии, перпендикулярно межжелудочковой перегородке. Определяют размер желудочка по длинной и короткой оси и длину каждого отрезка, заключенного между точками пересечения внутреннего контура полости указан-

ными линиями. Объем полости левого желудочка определяется по формуле, основанной на вычислении объема соответствующей длины каждого отрезка, учитывая правило подобных плоских геометрических фигур.

$$V_{ЛЖ} = \frac{S_0 h}{d_0^2 n} \times (d_1^2 + d_2^2 + \dots + d_n^2)$$

где  $d_n$  - размер по короткой оси, проведенной в средней точке n-ого отрезка перпендикулярно межжелудочковой перегородке;  $h$  - размер желудочка по длинной оси;  $d_0$  - фиксированный размер полости в парастернальном доступе по короткой оси;  $S_0$  - фиксированная площадь полости в парастернальном доступе по короткой оси. Способ позволяет надежно анализировать нормальное и патологическое состояния желудочков сердца, тем самым диагностировать различного рода ее гипертрофии.

(13) В

(21) IAP 2011 0265

(22) 27.06.2011

(51) 8 А 61 В 17/00

(71) Тошкент тиббиёт академияси, UZ

Ташкентская медицинская академия, UZ

(72) Каримов Шавкат Ибрагимович, Суннатов Равшан Джалилович, Ирнazarов Акмал Абдуллаевич, Алиджанов Ходжаикбар Кашипович, UZ

(54) **Ташки уйку артериясини пластика қилиш усули****Способ пластики наружной сонной артерии**

**Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, аниқроғи, томирлар жарроҳлиги. Ташки уйку артериясини пластика қилишда қўлланиши мумкин. **Вазифаси:** ташки уйку артерияси тармоқлари бўйича қон ўтишини яхшилаш. **Ихтиро моҳияти:** эндартерэктомия нафақат ташки уйку артериясининг оғзидан, балки унинг бошланғич тармоқлари (устки қалқонсимон артерия, тил артерияси, гардан артерияси, юз артерияси)дан ҳам амалга оширилиши мумкин, тери эса бир неча сантиметр юқоридан, юз артериясининг тармоқланиш сатҳига тикилади.

**Использование:** медицина, а именно, сосудистая хирургия. Может быть использован при пластике наружной сонной артерии. **Задача:** улучшение кровотока по ветвям наружной сонной артерии. **Сущность изобретения:** эндартерэктомия производят не только из устья наружной сонной артерии, но и начальных ветвей наружной сонной артерии (верхняя щитовидная арте-

рия, язычная артерия, затылочная артерия, лицевая артерия), а заплату вшивают на несколько сантиметров выше, до уровня разветвления лицевой артерии.

(13) В

(21) IAP 2011 0267

(22) 27.06.2011

(51) 8 А 61 В 17/00

(71)(72) Кротов Николай Фёдорович, Расулов Абдугаффар Элманович, Сабиров Джахонгир Рузиевич, UZ

(54) **Қизилўнгач саратонини хирургик даволаш усули****Способ хирургического лечения рака пищевода**

**Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, аниқроғи онкология ва қизилўнгач саратонини хирургик даволашда қўлланиши мумкин. **Вазифаси:** операция пайтидаги ва операциядан кейинги асоратлар сонини камайтириш. **Ихтиро моҳияти:** бош трахеясининг интубацияси, юқори-ўрта-ўрта лапаротомия, сагиттал диафрагмотомия, ошқозон мобилизацияси, ошқозон трансплантатини шакллантириш, қизилўнгачни мобилизациялаш ва бўйинда кесишиш, ошқозон трансплантатини бўйинга чиқариш, бўйин яраси, умуртқа билан кўкрак қафаси оралигининг орқа қисми ва корин бўшлиғини дренажлашни ўз ичига олган усулда операция йўли билан даволашнинг ҳамма босқичларида биполяр биактив коагуляция ва диссекцияни қўллаш йўли билан қон чиқармай операция қилиш методи қўлланади.

**Использование:** медицина, а именно онкология и может быть использован при лечении рака пищевода. **Задача:** снижение количества интра- и послеоперационных осложнений. **Сущность изобретения:** новым в способе лечения рака пищевода, включающем интубацию трахеи головы, верхнесреднесрединную лапаротомию, сагиттальную диафрагмотомию, мобилизацию желудка, формирование желудочного трансплантата, мобилизацию и пересечению пищевода на шее, выведение желудочного трансплантата на шею, дренирование шейной раны, заднего средостения и брюшной полости, является, то что на всех этапах оперативного вмешательства используют бескровный метод оперирования, путем применения биполярной биактивной коагуляции и диссекции.

## (13) В

- (21) IAP 2011 0247  
 (31)(32)(33) 08450183.2, 14.11.2008, EP  
 (51) 8 A 61 K 31/44, A 61 K 47/26, A 61 K 47/34,  
 A 01 N 43/40, A 61 K 8/34, A 61 K 8/49, A 61 K  
 8/60  
 (71) АРТАН ХОЛДИНГ АГ, LI  
 (72) АЙДЫНОГЛУ, Ахмет Мелих, TR  
 (85) 13.06.2011  
 (86) PCT/EP 2009/065111, 13.11.2009  
 (87) WO 2010/055122, 20.05.2010  
 (54) **Таркибида октенидин бўлган бирикма**  
**Состав, содержащий октенидин**

**Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, дорилар ва медицинаментлар, хусусан, дезинфекцияловчи ва антисептик таркиблар. **Вазифаси:** хусусан, яралар ва шиллик қобиқларнинг антисептикаси учун терапевтик мақсадларда қўллаганда янада яхши таъсир кўрсатадиган препаратларни ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** октенидинга ёки унинг фармацевтик тузига, хусусан, октенидинни 1 формулани полиспирт билан битта эритмада биргалликда терапевтик қўллаш учун мўлжалланган октенидиндигидрохлоридга тегишли бўлиб, бунда  $(\text{H}-\text{C}-\text{OH})_a (\text{HO}-\text{C}-\text{OH})_b (\text{H}-\text{C}-\text{H})_c$  кўринишдаги 1 формулада  $a, b, c$  – бутун сонлар;  $a + b$  – камида 2га, янада макбулроғи камида 3га тенг;  $c$  – 0,1дан ёки 2дан то  $a + b$ гача бўлган сонлар диапазонида танлаб олинган, бунда: битта ёки ундан ортиқ альдегид гуруҳларни қўшиш, агар бу гуруҳлар гидроксил гуруҳларнинг бири билан (даврий) ацеталлар ҳосил қилса, шарт эмас, ёки гидроксил гуруҳларнинг бири билан ацеталь шаклда бўлиши мажбурий бўлмаган битта ёки ундан ортиқ кетогуруҳларни қўшиш ҳам шарт эмас; битта ёки ундан ортиқ карбоксил гуруҳларни қўшиш, агар полиспирт ўзи билан даврий ацетални ёки афзалроғи ҳалқалар ўлчамлари 5дан 7гача атомга тенг бўлган ацетални ифодаласа, шарт эмас, ёки полиспиртнинг полимери, оддий полиэфир ёки мураккаб полиэфирни қўшиш ҳам шарт эмас, бунда, агар  $a + b = 2$  ёки 3 бўлса, бу ҳолда полиспирт формула 1нинг камида иккита структуравий элементига эга бўлган полимер, оддий полиэфир ёки мураккаб полиэфир шаклида бўлиши кераклиги шarti бажарилиши лозим, ихтиро шунингдек таркибида кўрсатиб ўтилган таъсирчан моддалар бўлган тўпламларга ҳамда уларнинг инфекциялар ва яраларни даволаш учун қўлланишига тегишли.

**Использование:** медицина, лекарства и медикаменты, в частности, дезинфицирующие и антисептические составы. **Задача:** разработка препа-

ратов, которые проявляют улучшенное действие, в частности, при терапевтическом применении для антисептики ран и слизистых оболочек. **Сущность изобретения:** относится к октенидину или его фармацевтической соли, в частности, октенидиндигидрохлориду, предназначенному для совместного терапевтического применения октенидина в растворе с полиспиртом формулы 1:  $(\text{H}-\text{C}-\text{OH})_a (\text{HO}-\text{C}-\text{OH})_b (\text{H}-\text{C}-\text{H})_c$ , где  $a, b, c$  – целые числа;  $a + b$  – равно, по меньшей мере, 2, предпочтительно, по меньшей мере, 3;  $c$  – выбран из 0,1 или числа в диапазоне от 2 до  $a + b$ , необязательно с добавлением одной или более альдегидных групп, если они образуют (циклические) ацетали с одной из гидроксильных групп, или одной или более кетогрупп, обязательно в форме ацетала с одной из гидроксильных групп; необязательно с добавлением одной или более карбоксильных групп, если полиспирт представляет собой циклический ацеталь или ацеталь, предпочтительно с размером кольца от 5 до 7 атомов, либо его полимера, простого полиэфира или сложного полиэфира при условии, что, если  $a + b$  равно 2 или 3, то полиспирт имеет форму полимера, простого полиэфира или сложного полиэфира, по меньшей мере, с двумя структурными элементами формулы 1, а также к наборам, содержащим указанные действующие вещества, и к их применению для лечения инфекций и ран.

## (13) В

- (21) IAP 2011 0242  
 (31)(32)(33) 61/113,107, 10.11.2008;  
 12/428,393, 22.04.2009;  
 12/488,228, 19.06.2009;  
 61/228,943, 27.07.2009;  
 12/553,292, 03.09.2009, US  
 (51) 8 A 61 K 31/4412, A 61 P 11/00  
 (71) ИНТЕРМЮН, ИНК., US  
 (72) БРАДФОРД, Уилльямсон, Зиглер; ШВАРЦ-БЕРГ, Хавьер, US  
 (85) 09.06.2011  
 (86) PCT/US 2009/063702, 09.11.2009  
 (87) WO 2010/054294, 14.05.2010  
 (54) **Жигари нотипик тарзда ишлайдиган беморларни пирфенидон билан даволаш**  
**Лечение пирфенидоном пациентов с атипичной функцией печени**

**Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, дорилар ва медицинаментлар. **Вазифаси:** касалликлар ва бузилишларни даволаш билан боғлиқ қўшимча эффектларни камайтиришнинг янги янада самаралироқ усуллари ишлаб чиқиш. Аниқроқ қилиб айт-

ганда, 5-метил-1-фенил-2-(1H)-пиридон (пирфенидон) билан боғлиқ жигарнинг аномал функциясини пасайтириш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** пирфенидон киритилишига жавобан жигар функциясининг аномал биомаркерлари кузатилаётган беморга пирфенидон киритиш усуллари таклиф этилган. Усуллар беморга маълум муддат мобайнида пирфенидонни тўлиқ мақсадли дозадан камроқ дозаларда киритишни, кейинроқ тўлиқ мақсадли дозада киритишни ўз ичига олади. Усуллар шунингдек пирфенидон дозасини камайтирмай, тўлиқ мақсадли дозада ва муттасил пасайтириб бориладиган дозаларда киритишни ўз ичига олади.

**Использование:** медицина, лекарства и медикаменты. **Задача:** разработка новых более эффективных способов снижения побочных эффектов, связанных с лечением заболеваний и нарушений. Более конкретно, способов снижения аномальной функции печени, связанной с терапией 5-метил-1-фенил-2-(1H)-пиридоном (пирфенидоном). **Сущность изобретения:** представлены способы введения пирфенидона пациенту, проявляющему аномальные биомаркеры функции печени в ответ на введение пирфенидона. Способы включают введение пациенту пирфенидона в дозах ниже полной целевой дозы в течение периода времени, с последующим введением пациенту пирфенидона в полной целевой дозе. Способы также включают введение пирфенидона в полной целевой дозе без снижения и введение непрерывно снижающихся доз пирфенидона.

A 62

(13) B

(21) IAP 2011 0268

(22) 28.06.2011

(51) 8 A 62 C 3/00

(71) Усманов Миржалил Хамитович, UZ

(72) Карпов Вадим Леонидович, Шимко Василий Юрьевич, RU; Усманов Миржалил Хамитович, UZ

(54) Ер устидаги сигимдан сизиб чикқан газ-буғли булутни тарқатиб юбориш усули ва уни амалга ошириш учун қурилма

**Способ рассеивания парогазового облака, образующегося в результате утечки из наземной емкости и устройство для его осуществления**

**Фойдаланиш соҳаси:** ёнғинга қарши техникада, технологик усқунанинг авария ҳолатида герметиклиги бузилганда ҳосил бўладиган

ёқилғи, захарли ва радиоактив газлардан ҳосил бўлган газ-буғли булутнинг тарқалишини чеклаш ҳамда уларни хавфсиз концентрациягача тарқатиб юбориш учун қўлланиши мумкин. **Вазифаси:** суюқ ёқилғи ва захарли газ сақланаётган қўриқланувчи объектларнинг кимёвий ва ёнғинга қарши хавфсизлигини, шунингдек усул ва қурилманинг ишончилиги ва тежамкорлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** усул газ-буғли булутнинг тарқалишини суюқлик плёнкаси билан чеклаш ҳамда газ-буғли булутни плёнка дош бераётган босимдан ошмаган босим остида отилиб чиқиш йўли билан хавфсиз концентрациягача тарқатиб юборишни ўз ичига олади. Қурилмада сигим периметри бўйлаб марза ҳосил қилинган бўлиб, унинг устки милкида тўрли юза ўрнатилган, ушбу юзага параллель ҳолда форсункаларга эга трубопровод монтаж қилинган. Трубопровод бошқариш панели воситасида суюқлик учун резервуар билан боғланган. Қурилма ичида бошқариш панелига уланган сигнализация тизимининг детекторлари ўрнатилган.

**Использование:** противопожарная техника, может быть использовано для ограничения распространения парогазового облака горючих, токсичных и радиоактивных газов, образующихся при аварийной разгерметизации технологического оборудования и их рассеивания до безопасных концентраций, а также для предотвращения распространения возможного пожара. **Задача:** повышение химической и пожарной безопасности охраняемого объекта со сжиженным горючим и токсичным газом, а также надежности и экономичности способа и устройства. **Сущность изобретения:** способ включает ограничение распространения парогазового облака пленкой из жидкости и его рассеивание до безопасной концентрации путем выброса парогазового облака под давлением, не превышающим давление, выдерживаемое пленкой. Устройство включает выполненное по периметру емкости обвалование, на верхней кромке которого установлена сеточная поверхность, параллельно которой смонтирован трубопровод с форсунками. Трубопровод посредством панели управления связан с резервуаром для жидкости. Внутри устройства установлены детекторы системы сигнализации, подключенные к панели управления.

**В бўлим**  
**ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР**

**Раздел В**  
**РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ**  
**ПРОЦЕССЫ**

**В 01**

**(13) В**

**(21)** IAP 2011 0236 **(22) 04.12.2009**

**(31)(32)(33)** 08021305.1, 08.12.2008;

08021306.9, 08.12.2008, EP

**(51)** 8 В 01 J23/78, В 01 J 35/10, С 07 С 1/04, С 10 G 2/00, В 01 J 23/745, В 01 J 37/03, В 01 J 27/02, В 01 J 27/185, В 01 J 27/043, В 01 J 23/58, В 01 J 37/18

**(71)** САСОЛ ТЕКНОЛОДЖИ (ПТИ.) ЛИМИТЕД, ЗА

**(72)** КРОУС, Реньер; БРОМФИЛД, Трэйси, Каролин, ЗА; БУЙЕНС, Шэрон, GB

**(85)** 07.06.2011

**(86)** PCT/EP 2009/008694, 04.12.2009

**(87)** WO 2010/066386, 17.06.2010

**(54) Фишер-Тропш катализаторининг олефинлар учун селектив бўлган композицияси ва уни олиш**

**Селективная для олефинов композиция катализатора Фишера-Тропша и ее получение**

**Фойдаланиш соҳаси:** кимё саноати. **Вазифаси:** бир пайтнинг ўзида метаннинг ортиқча ҳосил бўлишини бостирилган ҳолда  $C_2-C_4$  маҳсулотларига, хусусан  $C_2-C_4$  олефинларга нисбатан ортиқча селективликка эга бўлган углеводородларни синтезлаш катализаторини олиш. Шу билан бирга кўрсатиб ўтилган катализатор юқори даражадаги фаоликка эга бўлиши ва СО конверсиясининг юқори тезликларини таъминлаши лозим.

**Ихтиро моҳияти:** ихтиро углеводородларни синтезлаш катализаторига тегишли бўлиб, ушбу катализатор тикланмаган шаклда куйидагилардан таркиб топган: а) Fe – каталитик фаол металл сифатида; б) ишқор ҳосил қиладиган металл ва/ёки таркибида ишқор ҳосил қиладиган металл ва/ёки оксидли ишқор ҳосил қиладиган металл бўлган промоторда оксидли ишқор ҳосил қиладиган металл ва ишқор ҳосил қиладиган металл; с) ва бор, германий, азот, фосфор, маргимуш, сурма, олтингургурт, селен ва теллур гуруҳидан танлаб олинган битта ёки ундан ортиқ элементни ўз ичига олган ёки улардан таркиб топган кўшимча промотор, ихтиро яна углеводородларни синтезлаш катализаторини синтезлаш усулига тегишли бўлиб, бу усул кўрсатиб ўтилган катализатор иштирокида амалга оширилади,

шунингдек ихтиро кўрсатиб ўтилган катализаторнинг углеводородларни синтезлаш усулида қўлланишига тегишли.

**Использование:** химическая промышленность. **Задача:** получение катализатора синтеза углеводородов, обладающего повышенной селективностью в отношении продуктов  $C_2-C_4$ , в частности, олефинов  $C_2-C_4$ , с одновременным подавлением избыточного образования метана. В то же время, указанный катализатор должен обладать высокой активностью и должен обеспечивать высокие скорости конверсии СО. **Сущность изобретения:** относится к катализатору синтеза углеводородов, содержащему в невосстановленной форме: а) Fe в качестве каталитически активного металла; б) щелочной металл и/или щелочноземельный металл в содержащем щелочной металл и/или щелочноземельный металл промоторе, щелочной металл; с) и дополнительный промотор, содержащий или состоящий из одного или более элементов, выбранных из группы бора, германия, азота, фосфора, мышьяка, сурьмы, серы, селена и теллура, к способу синтеза катализатора синтеза углеводородов, способу синтеза углеводородов, который осуществляют в присутствии указанного катализатора, и к применению указанного катализатора в способе синтеза углеводородов.

**В 41**

**(13) В**

**(21)** IAP 2011 0263 **(22) 13.11.2009**

**(31)(32)(33)** 08425749.2, 25.11.2008, EP

**(51)** 8 В 41 М 3/00, В 41 М 5/28, G 09 F 3/02, В 44 F 1/10, В 65 D 79/02

**(71)** АЗИЕНДЕ ХИМИШЕ РИЮНИТЕ АНЖЕЛИНИ ФРАНЧЕСКО А.С.Р.А.Ф. С.п.А., IT

**(72)** МАСКИАМБРУНИ, Роберто, IT

**(85)** 24.06.2011

**(86)** PCT/EP 2009/065108, 13.11.2009

**(87)** WO 2010/060812, 03.06.2010

**(54) Берилган ҳароратда қисман рангсизланиб белгини очадиган рангли элемент мавжуд бўлган ўрам материали ва шундай материални ишлаб чиқариш учун усул**

**Упаковочный материал с цветным элементом, который частично обесцвечивается при заданной температуре, открывая метку, и способ для производства такого материала**

**Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтика, аниқроғи фармацевтик маҳсулот учун ўрам материали.

